

Корхона (ташкilot, муассасалар ва юридик шахс) лар учун каттиқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш

№ 19 - сонли ШАРТНОМА

2022 йил "05" 01

Фарғона ш.

Бундан буён матнда "Ижрочи" деб аталувчи Низом асосида фаолият олиб боровчи "FERGHANA SPECIAL TRANS" М.Ч.Ж номидан раҳбар Б.Дехонов, бир томондан ва бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилувчи Р.В.ЯКИБОВ номидан раҳбар Расулов Ш. иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ:

1.1 "Буюртмачи" топширади, "Ижрочи" эса шартномада кўрсатилган ҳақ эвазига "Буюртмачи" томонидан махсус белгиланган жойга йиғилган ҚМЧ (каттиқ маиший чикиндилар)ни ташиб чикиб кетишни ўз зиммасига олади, "Буюртмачи" эса хизмат тўловларни тўлаб бериши шарт.

1.2 Қ.М.Ч. ларнинг умумий ҳажми бир ойга _____ м3, бир йилга 10 м3 ташкил этади.

1.3. Ушбу шартномани имзолаш пайтидаги амалдаги нарх ҳар бир м3 ҚМЧ учун 40.000 сўм, ҚҚС(15%) билан 46.000 сўм.

1.4. Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган тўлов суммаси 460000 (Тўрт юз олти миң) сўм.

2. "БУЮРТМАЧИ"НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. ҚМЧ каттиқ маиший чикиндиларни қуйидаги кўрсатилган манзилга, яъни Сатқак В.Ф.У. олиб чикиб ташлаш.

2.2. Қурилиш, йирик ҳажмдаги чикиндилар ва шох-шаббаларни ташиб кетиш учун алоҳида ҳақ эвазига бир маротабалик шартнома тузиш.

2.3. ҚМЧни ўз вақтида олиб чикиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда 73 244 86 31 телефонига телефонограмма йўллаш орқали "Ижрочи"га маълумот бериш.

2.4. Ҳар ойнинг 10 санасигача кейинги ойнинг иш ҳажмига қараб олдиндан 30% тўловларни амалга ошириш. «Буюртмачи» томонидан қолган 70% тўлов «Ижрочи» томонидан товарлар етказиб берилиб, ҳисоб фактуралар тақдим қилингандан сўнг тўлаб берилади.

2.5. Ҳар ойнинг 10 санасигача ўтган ҳисобот ой учун шартнома асосида тўловларни "Ижрочи"нинг ҳисоб рақамига тўлов-талабномаси юбориш йўли билан банк орқали акцептсиз ўтказиб бериш.

3. "ИЖРОЧИ"НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Шартномада кўрсатилган ҚМЧ ташланадиган махсус манзилдан чикиндиларни махсус автомашиналарда жадвал асосида олиб чикиб кетилишини таъминлаш.

3.2. "Буюртмачи"нинг буюртмасига асосан қўшимча тўлов ҳисобига қурилиш ва йирик ҳажмдаги чикиндиларни, шох-шаббаларни олиб чикиб кетиш учун транспорт ажратиш.

3.3. Ҳар ой бошига ўтган ҳисобот ой учун шартнома асосида "Буюртмачи" ҳисоб рақамига тўлов талабномасини юбориш.

3.4. "Буюртмачи" томонидан ҚМЧни ўз вақтида олиб чикиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида кўрсатилган манзилдан чикиндиларни олиб чикиб кетиш.

3.5. Бириктирилган йўналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ.

4.1. "Буюртмачи" шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0.4% миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% дан ошмаган миқдорда "Ижрочи"га пеня тўлайди.

Агар "Ижрочи" ушбу хабарномадан сўнг ўз вақилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида ҚМЧ олиб чикиб кетилмаса, "Буюртмачи" жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномалда кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос ҳисобланади.

4.2. "Ижрочи" ўз вақтида ҚМЧ олиб чикиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида ҳар бир кун учун олиб чикиб кетмаган ҚМЧ ҳажми қийматидан 0.5% миқдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда "Буюртмачи"га пеня тўлайди.

4.3. "Буюртмачи" шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0.4% миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50%идан ошмаган миқдорда "Ижрочи"га пеня тўлайди.

4.4. Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

5. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

5.1. “Ижрочи” хом-ашё, ёкилғи-мойлаш махсулотлари ва энг кам ойлик иш хаки миқдори ўзгариши муносабати билан белгиланган тартибда бир томонлама хизмат нархларини ўзгартиришга ҳақ лидур ва у “Буюртмачи”ни бу тўғрида ёзма равишда огохлантиради.

5.2. Форс-мажор ҳолати содир бўлганда томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятлардан озод этиладилар.(корхонанинг тугатилиши, раҳбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий қийинчилик кабилар форс-мажор ҳолатига кирмайди).

5.3. Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар томонларнинг ўзаро музокоралари орқали ҳал қилиниши мумкин бўлмаган ҳолларда ҳўжалик ва ҳакамлик судлари томонидан ҳал қилинади.

5.4. Томонларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарган тақдирда ҳамда ҚМЧ ҳажми ўзгаришга таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот бериши шарт.

5.5. Шартноманинг 1.2.бандида кўрсатилган ҚМЧнинг ҳажми “Буюртмачи”нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки “Буюртмачи” “Ижрочи”нинг юк ташиш ҳужжатларини расмиллаштиришдан бош тортса, “Ижрочи” жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлиқ миқдорда бажарилди деб ҳисобланишига ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишига асос бўлади.

6. ШАРТНОМАНИНГ МУДДАТИ.

6.1. Ушбу шартноманинг муддати «03» 01 2022 йилдан «31» декабр 2022 йилгача белгиланади.

6.2. Шартномани муддатидан олдин тўхтатмоқчи бўлган томон иккинчи томонни бу ҳақда бир ой олдин ёзма равишда огохлантиради, акс ҳолда шартнома шартлари ўз кучини йўқотмаган ҳисобланади.

6.3. Томонлар шартнома муддати тугагандан сўнг ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор қилгунга қадар ўз кучини йўқотмаган ҳисобланади.

6.4. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси “Буюртмачи”да, иккинчи нусхаси “Ижрочи”да сақланади.

6.5. Шартнома Ҳазначилик бошқармаси (бўлинмаси) да рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

4.2. Шартнома Ўз.Рес.Адлия вазирлиги томонидан 20.02.1999 йилги №647-сон билан рўйхатга олинган қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича майший хизмат кўрсатиш қоидаларига асосланиб 2 нусхада тузилади; улар бир хил қонуний кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.

8.ТОМОНЛАРНИ ХУКУКИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

“FERGHANA SPECIAL TRANS” махсулият
чекланган жамияти

(Майший чиқинди олиб кетувчининг номи)

Манзил: Додхох кучаси 2 уй

Х/Р 20208000900588539001

Банк номи Миллий банк Фарғона бўлими

МФО: 00493 СТИР: 303805695

ОКОНХ: 90211

Тел: 73 244-86-31

Раҳбар Б.Дехконов

Бажарувчи: Х.Турғунбоева



Хуқуқшунос

(имзо)

«Буюртмачи»

ФВР.ЯКИБУСМ
(Бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фарғона шаҳар

Дехнох кучаси 345

Тел./факс 244-87-83

ш/х 100021860304017083620245001

бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 207237968

ОКОНХ

Фарғона шаҳар буйича Ҳазначилик бўлинмаси

Ҳазна х/в :23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказийбанк ХККМ

Тошкент шаҳар МФО_00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919

Ташкилот раҳбар Раҳмонов Ш.
(лавозими) (Ф.И.Ш.)

(имзо)

Бурношев
Ф.И.О